

«Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади»

**ХДР**

1918-йил  
21-йундан чиқа  
бoshлаган

№27, 2023-йил  
19-йул,  
chorshanba (32.773)

# O'zbekiston

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

# OVOZI

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ – БОШ ВАЗИФАМИЗ



### МУНОСАБАТ

Президент нутқида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ноиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқилиши таъкидланди. Ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун аниқ режа, молиявий асос, энг асосийси, кучли истак ва ирода, имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу таскин беради, албатта. Ҳақиқий таскин юртимиз ривожланган мамлакатлар қаторига кирганини кўрганда, халқимиз турмуши фаровонлашганини ҳис этганда билинади.

3-4 САҲИФАЛАРДА

### ИНВЕСТИЦИЯ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ МАНБАИ



5 САҲИФА

### ЖАЗИРАМА ВА СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ



6 САҲИФА

### Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросими бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Ҳурматли Сенат аъзолари! Ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари! Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу тарихий ва ҳаяжонли дақиқаларда аввало менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаган барча юртдошларимга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Муқаддас Ватанимиз тисоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Азиз дўстлар! Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланишимни мен инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган сиёсатимизнинг яна бир юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

**Бўлиб ўтган Президент сайлови янгиланган Конституциямиз асосида ўтказилгани унга чинакам халқчил руҳ ва мазмун бағишлади. Ушбу сайловда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириб, Янги Ўзбекистон учун овоз берди, деб айтишга барча асосларимиз бор.**

Мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва масъулиятли бу сиёсий жараён эл-юртимиз билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлади.

Сайловда 15 та халқаро ташкилотдан 466 нафар, 47 та хорижий давлатдан 331 нафар вакилликнинг қўллаб-қувватлаш сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1400 нафар маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини атофлича ёритиб борди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узоқ муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини беvosита кузатиб борди.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо ассамблеяси, Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилотидан ҳам қўзғатувчилар иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу сайлов жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

Маҳаллий ва хорижий қўзғатувчилар сайлов миллий қонунчилигимиз ва умум-эътироф этилган халқаро тамойиллар асосида, эркин ва демократик, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида, очиқлик ва шаффоқлик руҳида ўтганини эътироф этдилар. Бу, ўз навбатида, барчамизни бирлаштириб, ўз куч ва имкониятимизга бўлган ишончимиз, халқимиз, Ватанимиз олдидаги масъулиятимизни янада ошириши табиий, албатта.

Ҳурматли тантанали маросим қатнашчилари!

Олижаноб ва бағрикенг халқимиз менга яна бир бор катта ишонч билдириб, буюк Ватанимиз тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммамга олиш имконини берганини шу ҳаяжонли лаҳзаларда янада чуқур англаб, қалбим чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Шу билан бирга, бугун елкамга қандай улғувор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман.

Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва доғирхон халқимизга фарзандлик меҳри ва сарофати билан таъзим қиламан.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампанияси давомида асосий таянчим бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаолларига, биз билан ҳамфикр бўлиб, номзодимни қўллаб-қувватлаган “Миллий тикланиш” демократик партияси вакилларига, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга чин қалбимдан ташаккур айтаман.

Сайловда муносиб иштирок этган “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод – Робохон Маҳмудовага, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – Улуғбек Иноятовга, Ўзбекистон Экологик партиясидан – Абдушукур Ҳамзаевага алоҳида миннатдорлик билдириб, уларнинг келгуси ишларига ютуқ ва омадлар тилайман.

Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли ғоя ва қарашлар тарафдори бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибори билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизни Ватан, эл-юрт манфаати бирлаштиради.

Шу сабабли биз сайловда қатнашган партияларимиз дастурларидаги энг муҳим фикрлар ва амалий тақлифларни келгуси фаолиятимизда албатта эътиборга оламиз. Барчамиз Янги Ўзбекистон деган ягона ва улғу мақсад атофида янада жипслашиб, халқимизнинг орзу-армони бўлган мана шу эзгу ғояни амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун, ушбу тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчиларига, барча туман ва шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз аҳолисига, юртимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаолларига, фуқаролик институтлари вакилларига, ҳаётимизнинг нуру зиёси бўлган азиз фахрийларимизга, жамиятимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келаётган қадрли опа-сингилларимизга, келажакимиз эгалари – навқирон ёш авлодимизга, суюкли ўғил-қизларимга, чет элларда таълим олиб, меҳнат қилаётган, Ватан меҳри билан яшаётган барча ватандошларимизга чин юракдан ташаккур билдираман.

Айни вақтда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, бунёдкор қурувчиларимизга, фидойи устоз ва мураббийларга, илм-фан, ижод ва санъат аҳлига, муҳтарам уламоларимизга, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларига, дунёдаги энг улғу ва шарафли вазифани адо этаётган жасур ҳарбийларимизга, барча Ватан ҳимоячиларига, жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Давоми 2-бетда ▶



# БАРЧАМИЗНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

## ЯНГИ ДАВР ВА ЯНГИ НАТИЖАЛАР



### СИНОВЛАРАН САБР ВА МАТОНАТ БИЛАН ЎТИЛДИ

Пандемия ва унинг ортидан рўй берган иқтисодий муаммолар нафақат юртдошларимиз, балки ер юзи аҳолисининг ҳам ҳаётига бевосита таъсир этмай қолмади. Пировардида, фуқароларнинг барча соҳалар, хусусан, сиёсий ва маъмурий ислохотларга ҳам эътибори қаррасидан кам бўлмаган даражада ошди. Буни референдум ва сайловдаги аҳолимиз иштироки яққол тасдиқлади.

Яна бир муҳим омил халқаро миқёсда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг инсонлар турмуш тарзига бевосита ва билвосита таъсиридир. Хусусан, дунё миқёсида сиёсий беқарорлик ва кескинликнинг ортиши, қуролли можаролар, иқлим ўзгариши, турли қутилмаган ҳодисалар энг аввало йиллар давомида шаклланган озиқ-овқат занжиридаги беқарорликка олиб келди. Бунинг ортидан инсониятнинг сезиларли қисми очарчилик муаммоси билан тўқнашди. Бу ва бошқа омиллар миграцион оқимларни кучайтиргани эса турли нуқталарда ижтимоий барқарорликка реал хавф сола бошлади.

Дунё миқёсида иқтисодиётнинг ривожланиши, индустриал соҳадаги такомиллашув ҳамда ресурслардан янада фаол фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиши натижасида юзага келган муаммолар одатдаги ҳаёт тарзини ўзгартириб юбормоқда. Масалан, айни пайтда тарихдаги энг иссиқ ҳарорат кузатилмоқда, айрим жойларда эса кучли ёғингарчиликлар ортидан сув тошқинлари, қўчки ва сел келиши кузатилмоқда, вулконлар уйғониб, баъзи жойларда қурғоқчилик, чўллашиш энг катта муаммога айланмоқда. Асосий муаммо эса йил сайин сувнинг "тортилиши" бўлмоқда.

Ушбу омиллар ҳар бир инсоннинг ҳаётини ошираётгани аччиқ ҳақиқат. Бундай вазиятда бир оила, маҳалла ёки шаҳарни эмас, 36 миллионлик бутун бир мамлакатни асраш, бир вақтнинг ўзида эртанги кунга бўлган умидни мустаҳкам ишончга айлантиришдан ортиқ устувор ҳамда мураккаб вазифа бўлмаслиги табиий.

### ҲАММАСИ ИШОНЧДАН БОШЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқини тинглар эканман, аввало, оддий фуқаро сифатида олдимизда нақадар улкан, кечиктириб бўлмаган ва албатта шарафли вазифалар тургани ҳақида ўйладим.

Бинобарин, юқорида санаб ўтилган муаммоларни бир нуқтага бирлаштириб тасаввур қилиш мураккаб бўлишига қарамаддан, Президент уларнинг ҳар бирига тўхталиб, ечимларига доир муҳим ислохотларга руҳлантиргани барчамизга таскин бўлгани бор гап.

"Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан – депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади", деган фикр билдирилди.

Дарҳақиқат, халқ вакили сифатида ушбу фикр моҳиятини, унинг замирида ётган адолатни сайловчиларимиз ва электроратимиз орасида тарғиб қилиш биринчи ва асосий вазифамиздир. Зеро, бугун ҳар бир юртдошимиз юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини билишга, уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирокчи бўлишга интилоқда.

2023 йил ЭЗГУ МАҚСАД – ИНСОННИНГ ҚАДРИГА ЕТИШДА ТУБ БУРИЛИШ ЙИЛИ БЎЛМОҚДА. ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ, УНГА АСОСАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛГАНИ ФИКРИМИЗ ТАСДИҒИДИР.

ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, 9 ИЮЛЬ КУНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮҚОРИ ФАОЛЛИГИДА ЎТГАН САЙЛОВ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИДА ТУБ БУРИЛИШ АСОСИ ЭКАНИ БУГУН ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРИМИЗНИ РУҲЛАНТИРГАНГА АМИНМАН. ЗОТАН ДИЛДАН ЧИҚҚАН ГАПЛАР ДИЛЛАРГА ЖОЙЛАНАДИ, ШУБҲАСИЗ.



Бу жараёнда биз – депутатлик корпуси вакиллари давлат ва халқ ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаб беришимиз талаб этилади.

Бунинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, аҳоли билан мулоқотларда аҳолининг таклиф ва мулоҳазалари, муаммолари олинади. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг **"Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади", деган фикрларини эслаш жоиз.** Янги ғоя ва ташаббуслар эса айнан халқимизнинг ўзи томонидан билдирилиши йўлида мавжуд имкониятларимизни тўлиқ ишга солиб киришмоғимиз даркор. Бунда бизга Президентнинг **"бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Бугунги замон – бу кечаги замон эмас",** деган фикрлари муносиб дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

### ҲАР БИР КУН – БУ ИМКОНИАТ, ҲАР БИР КУН – БУ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий давлат барпо қилишни асосий мақсад қилиб олганига бугун яна бир бор жиддий урғу берилганига гувоҳ бўлдик. Улар нималарда акс этади?

Энг аввало, ҳуқуқий-меъёрий базани яхшилаш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни сидқидилдан ва изчил адо этишимиз зарур. Хусусан, амалдаги қонунчиликни мақсадларимиз, аҳолининг хоҳиш-истаклари, замон талаби, ислохотлар шиддатига мутаносиб равишда такомиллаштириш лозим бўлади. Бунда бизга халқ вакили сифатида ортирган тажрибамиз асқотади, албатта.

Бу улкан ва шарафли вазифалар ижросида **"Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевори"** деган шиор барчамизни ягона ва улғу мақсад атрофида жиқлаштиришга ундаб туриши шубҳасиздир.

Албатта, бу борадаги ҳаракатлар давлат раҳбари таъкидлагани каби, Консти-

туциямизда муҳрлаб қўйилганидек, жонажон Ўзбекистонимизни миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқароимиз тинч ва эркин, бахтли ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айланишида ҳал қилувчи аҳамиятга молиқлигини барчамиз бирдек тушунмоғимиз даркор.

Айниқса, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олинган вазифаларни сифатли ва самарали адо этиш орқали халқимиз розилигига эришиш мумкин экани, бу қанчалик шарафлигини бир лаҳзага ҳам унутишга ҳақли эмасмиз.

Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган барча жараёнларда фаол бўлишимиз зарур. Ижтимоий ислохотларни самарали амалга ошириш ижтимоий давлат қуришнинг ягона ва ишончли асосидир.

Президент нутқида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқилиши таъкидланди. Ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун аниқ режа, молиявий асос, энг асосийси, кучли истак ва ирода, имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу таскин беради, албатта. Ҳақиқий таскин юртимиз ривожланган мамлакатлар қаторига кирганини кўрганда, халқимиз турмуши фаровонлашганини ҳис этганда билинади, деб ўйлайман.

Шундай экан, энди барчамиз биргалликда Янги Ўзбекистонни – инсон қадрли устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатни албатта қурашимиз, деган юксак ишонч билан айтилган фикрни ўзимизга нисбатан чақириқ, деб билмоғимиз лозим.

**Зулайхо АКРАМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.



## ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАБ- БУСЛАР ДАВРИ

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
лавозимга киришиш тантанали  
маросимидаги нутқи давлатимизнинг  
сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тарихий  
аҳамиятга молик воқеа бўлди.  
Унда мамлакатимизнинг тараққиёт  
стратегияси, юртимизнинг эртанги  
куни, олдимиздаги энг муҳим  
вазифалар ҳақида чуқур таҳлилга  
асосланган мулоҳазалар илгари  
сүрилди.**

Нутқини залда бевосита тингладим, сабоқ олдим, ўзимга хулосалар чиқардим.

Биринчи хулосам шуки, инсон эҳтиёжларини ҳисобга олиб, иш юритиш, миллий манфаатни илгари сүриш ва ҳимоя қилиш устувор мақсадга айланади. Бу борадаги сиёсат негизда мамлакатимиз, минтақамиздаги вазиятга ҳолисона назар ташлаш, одамларни бевовта қилаётган муаммоларни яширмасдан, уларни ҳал қилиш истаги ётади.

Нутқнинг марказий ғояси — халқимиз қўллаб-қувватлаган демократик ислохотлар йўли янада қатъий давом эттирилади, жамиятимиз бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмайди. Энг муҳими, мамлакатимизда барча даражадаги ҳокимият идоралари фаолиятида "Инсон қадр учун", деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам бош мезон бўлиб қолади.

Сайлов жамиятни жиқлаштириш, мамлакат барқарорлиги ва юрт тараққиётини таъминлаш омилига айланади. Бу Ўзбекистонда демократик ислохотларни нафақат давом эттириш, балки чуқурлаштириш учун ҳам зарур шарт-шароит яратди.

Президент халқимизнинг юксак ишончи барчамиздан депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этишини таъкидлади. Чиндан ҳам кечаги натижа, кечаги қарар ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтирмаслиги керак. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар зарур.

Нутқда парламентнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсирини ошириш ҳақида концептуал характерга эга теран фикрлар баён этилди. Энг муҳим масалалар қаторида парламент назоратини кучайтириш вазифасига эътибор қаратилди.

Бу бизнинг ҳукумат идоралари иши, жумладан, миллий қонунларни ижро этиш ва халқаро мажбуриятларни имплементация қилиш билан боғлиқ фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг юритиш ва унга тўғри баҳо бериш масъулиятини оширади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сүрилган ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқариш ҳар бир депутат, сенатор олдида турган ўта долзарб вазифа, деб биламан.

**Дилором ИМОВОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.





# ИНВЕСТИЦИЯ

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ МАНБАИ

ШУ ЙИЛНИНГ 9 ИЮЛЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИРИК СИЁСИЙ ТАДБИР — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА КЕЛГУСИ ЕТТИ ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЙЎЛБОШ-ЧИСИ САЙЛАБ ОЛИНГАН, ОРАДАН БИР КУН ЎТИБ, ДАВЛАТ РАҲБАРИ БОШЧИЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ СЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ.

КЕЧАГИНА ХАЛҚИМИЗ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗГАН САЙЛОВ ШУКУҲИ ХАЁЛИМИЗНИ ЧУЛҒАБ ТУРГАН БИР ПАЙТДА ИНВЕСТИЦИЯ МАСАЛАСИ КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛИШИ КИМГАДИР БИРОЗ НОТАБИЙРОҚ ТУЮЛИШИ МУМКИН. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН МУНОСИБ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИБ, ЎЗ ТАНЛОВИМИЗНИ АМАЛГА ОШИРГАНЛИГИМИЗ БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ, ХУСУСАН, ЧЕТ ЭЛДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИЙЛИГИНИ АНГЛАБ ОЛИШИМИЗ УЧУН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЧИЛИГИДА ЎТГАН ЙИГИЛИШНИНГ РУҲИНИ ТЕРАН ҲИС ҚИЛИШ КЕРАК БЎЛАДИ.

ёки бошқа сабаб боис бўлиб турганида, ўзларига бириктирилган ҳудудларга бориб, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказмоқда, бизнес лойиҳалар билан жойида танишяпти, тадбиркорларга зарур маслаҳатлар ҳам бермоқда.

Инвестицияларни жалб қилиш бўйича олиб борилган мана шундай машаққатли ва кенг қамровли ишлар ўзининг ижобий натижаларини берапти. Агар 2016 йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 1 917,7 млн. доллар миқдорига бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 10 037,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Биргина жорий йилнинг 1-чорагида 2 300,8 млн. АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестициялари жалб этилди.

Лекин, бу борадаги ишлар ҳолати белгиланган улкан марраларга мос эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, йиғилишда айрим вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар ва тармоқлар раҳбарларининг фаолиятига танқидий баҳо берилди. Аксарият вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан шакллантирилган инвестиция лойиҳалари ҳудудларнинг салоҳияти ва имкониятларига тўлиқ мос келмаслиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги икки ой ичида саноати паст ривожланган 60 та ту-

ҳукуматларнинг молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу боис, давлат раҳбари инвестициялар билан ишлаш бўйича мутлақо янгича тизим жорий этилишини белгилаб берди. Ушбу тизим доирасида лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича фавқулодда чоралар кўрган ҳолда давлат инвестиция дастури доирасида 11,5 миллиард долларлик 272 та йирик лойиҳани муздатида олдин фойдаланишга топшириш бўйича “лойиҳабай” иш ташкил этилади. Бунда ҳар бир лойиҳага бириктирилган вазир, вазир ўринбосарлари, банк раҳбарлари масъул ва жавобгар бўлади.

Янги тизим талабларига мувофиқ ҳудудларда 9 млрд. долларлик 8 мингта лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлиб, лойиҳалар йирик, ўрта ва кичик тоифаларга ажратибли, улар билан манзилли иш олиб борилади. Йил якуни билан инвестициялар ўзлаштирилиши ва лойиҳани ишга тушириш муздатларига қараб масъул раҳбарлар фаолиятига баҳо берилади.

Тақлиф қилинган тизимда шунингдек, халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, тармоқлар ва ҳудудлардаги 89 та йирик лойиҳани муздатида олдин ишга тушириш учун инфратузилма масаласини ҳал қилиш, Ҳукумат комиссияси шакллантирилган 92 та йирик саноат лойиҳаларини амалга оширишда ер ва кредит ажратиш масалалари қамраб олинган.

Ушбу тизим доирасида яна бир муҳим янгиллик, хорижий кредит линиялари доирасида жалб қилинган қарийб 3 млрд. доллар бўш маблағларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Ҳозирги кунда хорижий валютадаги кредит фоизлари юқорилиги сабабли (12-13 фоиз), тадбиркорлар ушбу ресурслардан фойдалана олмаётганлигини ҳисобга олиб, Президентимиз Экспорт жамғармасига қўшимча 200 млн. доллар маблағ ажратиш ҳисобига кредит фоизларининг 5 фоизгача қисмини қоплаб беришни тақлиф қилди. Шунингдек, ушбу маблағлар доирасида тадбиркорларга “тайёр бизнес” шаклида бино бериш мақсадида саноат ипотекаси тизими йўлга қўйилди.

Йиғилишда сўнгги икки йилда бир қатор йирик давлатлар билан ўтказилган олий даражадаги учрашувларда эришилган 71 млрд. долларлик инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Энди ушбу инвесторлар билан ишлаш бўйича ҳам янги тизим жорий этилади. Ушбу тизимга кўра, ҳар бир ҳамкорга давлат томонидан инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича масъул шахс бириктирилади. Шунингдек, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида ҳар бир янги инвесторга ҳамроҳлик қилиш учун 40 кишидан иборат “инвестиция менежери” лавозими ташкил этилади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА...

Дунёда кечаётган мураккаблиқларга қарамадан, Ўзбекистон 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажминини аҳоли жон бошига икки баробарга оширишдек улкан вазифани ўз олдига қўйган. Бу — аҳоли фаровонлигини икки қарра ошириш, дегани.

Мана шундай улуғ мақсадни амалга ошириш иқтисодиётда энг самарали омилларни, хусусан, инсон капиталини бойитишга асосланган, инновацияларни жорий этишга таянган ҳолда рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни ички ҳамда ташқи бозорларга олиб чиқишни талаб этади.

Шундай экан, инвестициялар, хусусан, чет эл инвестициялари нафақат реал иқтисодиёт, шунингдек, ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам жалб этилиши зарур. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз Президентини фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларига ҳам инвестициялар жалб этиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Илмий адабиётларда инвестицияларга кўплаб тушунчалар берилган. Лекин йиғилишда давлатимиз раҳбари бир қарашда жуда оддий, шу билан биргаликда, масаланинг ўзагини очиб берадиган таърифни баён этди. Яъни инвестиция, бу — технология, малакали мутахассис, замонавий лойиҳалар, рақобатбардош маҳсулотлар, валюта тушуми ва ниҳоят, бюджетга даромад, дегани. Бюджет даромади, ўз навбатида, халқ фаровонлигини таъминлаш манбаидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз олға сурган “Инсон қадрини улуғлаш” ғоясини амалга ошириш нафақат иқтисодий, айтини чоғда, ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорликни таъминлашни тақозо этади. Бунда инвестициялар жамиятни барқарор ривожлантиришнинг бош манбаларидан бири бўлади, десак, айтини ҳақиқатдир.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**  
**Бюджет ва иқтисодий ислохотлар**  
**қўмитаси раиси,**  
**ЎЗХДП фракцияси аъзоси.**



### МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Йиғилишнинг дастлабки қисмида Президентимизнинг сайлов якунлари бўйича билдирган фикрларидан сайлов Ўзбекистон халқининг улуғ мақсадлар йўлида бирлашганлигининг ёрқин ифодаси бўлганини англаб олишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, сиёсий қарашлари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Президентимиз олға сурган “Инсон қадрини улуғлаш” ғояси атрофида 130 дан ортук миллат ва элат вакиллари билан муносабатда бўлишимиз кераклигини англаб олишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, сиёсий қарашлари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Президентимиз олға сурган “Инсон қадрини улуғлаш” ғояси атрофида 130 дан ортук миллат ва элат вакиллари билан муносабатда бўлишимиз кераклигини англаб олишимиз мумкин.

Ушбу ғояни рўёбга чиқариш мустақкам ҳуқуқий асосни талаб этар эди. Бунинг учун янгилашган халқ Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Асосий қонунга мувофиқ халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, хоҳиш-иродаси ва ҳуқуқий маданиятини яққол намоён қилган ҳолда ўз лидерини танлаб олди. Эндиги навбат — кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб келаётган барча ватандошларимизнинг юксак ишончини оқлашдан иборат.

Бўлиб ўтган йиғилишда айнан Президентимиз халқ билдирган ишонч муқаддас эканлиги, унга юксак масъулият, ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз кераклигини, ишонччи оқлашда ҳар бир кун ганиматлиги, бошланган ислохотлар бир сония ҳам тўхтаб қолмаслиги зарурлигини ба-тафсил тушунтириб берди.

Давлатимиз раҳбари айтини чоғда дунёда сиёсий ва иқтисодий жараёнлар шиддат билан билан ўзгараётганлиги, катта геосиёсий зиддиятлар нима билан якун топиши даргумон бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришиши учун каттаю кичик, барчамиз аввалгидан беш қарра, ўн қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашимиз талаб этилишини уқтириб ўтди.

### ИШЛАР ҲОЛАТИ УЛКАН МАРРАЛАРГА МОС ЭМАС

Дунё иқтисодиётида кечаётган сиёсий жараёнлар ҳамда шафқатсиз рақобат шароитида савдо ва инвестиция оқимлари йўналишлари тез ўзгариб бормоқда. Мана шундай таҳликали, ички ва ташқи таҳдидларга тўла вазиятда халқимиз муносиб ҳаёт кечириши учун имконият яратиш, меҳнат бозорига ки-

риб келаётган юз минглаб ёшларимиз учун юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш энг аввало, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратишни талаб этади. Буларни эса инновацияларни, янги технологияларни жорий этмасдан, замонавий билимга эга бўлган ҳамда малакали мутахассисларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Тасаввур қилинг, оилада товуқ боқиб учун ем ва сувдан ташқари етарли шароит яратиш, замонавий паррандачилик сирларини билиш талаб этилади. Шундай экан, нафақат мамлакат, балки дунё бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ёнингиздаги маблағ ёки банкдан олган кредит билан узоққа бориб бўлмайди. Замонавий бозор талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, глобал рақобатнинг пас-ту баландини биладиган ҳамкор топмасдан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жуда мушкул. Бу тўсиқларни чет элдан инвестор жалб қилиш орқали енгиб ўтиш мумкин.

Инвестицияларнинг шундай аҳамиятига қарамадан, илгари (бундан 6-7 йил аввал) четдан инвестиция жалб қилиш у ёқда турсин, ички инвестиция манбаларини топиш ва уни иқтисодиётга жалб қилиш ҳокимликларнинг, ҳаттоки, кўпчилик вазирлик ва идораларнинг кундалик вазифаси сифатида қаралмас эди. Ойда-йилда бу борада номигагина ҳисобот бериб қўйилар, у ҳам бўлса қоғозда қолиб кетарди.

Президентимиз бошлаган ислохотлар инвестицияга бўлган тушунчани ҳам, муносабатимизни ҳам ўзгартирди. Инвестициясиз ривожланиб бўлмагани секин-аста каттаю кичик англаб етмоқда. Бу борада махсус вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари иш бошлади. Тадбиркорларга лойиҳа тайёрлаб, инвестор ахтаришда ҳар томонлама кўмак берилди бошлади.

Шу билан бирга, инвестиция фаолиятига оид қонунчилик такомиллаштирилди. Энди янги лойиҳаларни топиб, инвесторларни жалб қилиш ҳокимликлар ва тегишли тармоқ вазирликларининг кундалик ишига айланди. Бу ишларга чет элдаги элчилар ҳам жалб этилди. Бугунги кунда элчиларимиз олдига нафақат ташқи сиёсат билан шўғулланиш, балки чет эллик ҳамкорларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш борасида ҳам аниқ вазифалар қўйилган. Улар юртимизда хизмат

» **Инвестиция, бу — технология, малакали мутахассис, замонавий лойиҳалар, рақобатбардош маҳсулотлар, валюта тушуми ва ниҳоят, бюджетга даромад, дегани. Бюджет даромади, ўз навбатида, халқ фаровонлигини таъминлаш манбаидир.**

манга консалтинг компаниялар ва лойиҳа гуруҳлари жалб қилиниб, 6,5 млрд. долларлик 2 мингдан зиёд истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Селектор йиғилишида Президентимиз тармоқ ва ҳудудларга йил якунига қадар сармояларни фаол жалб қилиш бўйича ҳар бир вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбари, шунингдек, элчилар олдига аниқ вазифалар қўйди.

### ЯНГИТИЗИМЖОРИЙЭТИЛАДИ

Жорий йилда жами 20,2 млрд. доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган. Шундан 16,3 млрд. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда 3,9 млрд. АҚШ доллари эса халқаро молия институтлари ва хорижий



## ЗАХИРАЛАР БЎЙИЧА

## ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ!

Яқинда ижтимоий тармоқларда "захиралимизнинг олтин қисми ҳам, валюта қисми ҳам қисқармоқда", деган хабарлар тарқалиб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Марказий банк департаменти директори Акмал Назаровдан ушбу мавзу юзасидан батафсилроқ изоҳ олдик.

– Ўзбекистон Республикаси халқаро захираларига доир тарқалаётган хабарлар юзасидан Марказий банк муносабати эълон қилинди, – дейди А.Назаров. – Жумладан, эълон қилинган муносабатда шундай дейилади:

Халқаро захиралар ҳажми мамлакат миллий валютаси, молия тизими барқарорлигини таъминлаш, хорижий инвесторлар ишончини ошириш, шунингдек, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб, етарли даражада шакллантириб борилади. Бунда халқаро захираларни жамғариш асосий мақсад сифатида хизмат қилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркибиде Марказий банк маблағларидан ташқари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳам мавжуд бўлиб, халқаро стандартларга кўра, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу ташкилотлар ихтиёрида бўлади, Марказий банк томонидан оператив бошқарилади.

**Халқаро захиралар ҳажми 2017 йил билан солиштирилганда 9,3 миллиард АҚШ доллари ёки 35,3 фоизга ошган.** Бунда халқаро захиралар ҳажмида олтин нархи ўзгаришининг таъсири 6,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган.

Натижада халқаро захираларнинг таркибиде монетар олтиннинг улуши 2017 йилдаги 46 фоизга нисбатан 2023 йил 1 январь ҳолатига 64 фоизгача ошди



ва мос равишда валюта маблағлари улуши 53 фоиздан 36 фоизга камайди.

Ҳозирги геосиёсий ноаниқликлар шароитида халқаро амалиётда олтин хавфсиз актив сифатида тан олинган бўлиб, глобал иқтисодий инқирозлар, юқори инфляция босим ва геосиёсий зиддиятлар даврида олтинга талаб ортади. Бу унинг нархи ўсишига хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари ҳажми халқаро амалиётда захираларнинг етарлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг минимал талабларига тўлиқ жавоб беради.** Жумладан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2023 йил 1 июль ҳолатига 204 фоизни ташкил қилган бўлиб, 20 фоизлик минимал талабдан 10 баробар кўпдир.

Айни пайтда ривожланаётган давлатлар таърибасида иқтисодиёт ривожланиб боргани сари импорт ҳажмининг ҳам ўсиб бориши кузатилади. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда, аҳоли даромадлари ўсмоқда, истеъмол товарлари ва хизматлар импорти ошиб бормоқда. Жумладан, импорт ҳажми 2017 йилда 14 млрд долларни ташкил қилган

бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 30 млрд долларга етган, яъни ўсиш 2,1 баробарни ташкил қилган.

2021-2022 йилларда ЯИМ номинал ҳажмида 20-22 фоизлик ўсиш кузатилган бўлса, импорт ҳажмида ҳам шунга мос равишда 20-21 фоизлик ўсиш суръатлари қайд этилган.

Мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг 2023 йил давомида сўндирилиши кутилаётган қисқа муддатли ташқи қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан қарийб 5,1 баробар юқори даражада шаклланди.

Ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори даражада шаклланди. Жумладан, Ўзбекистонда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбати 44 фоизни ташкил қилади.

Демак, мамлакат иқтисодиёти ва захиралари ҳақида қаттиқ хавотирланишга асослар йўқ. Ҳар ҳолда рақамлар шуни тасдиқламоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

## НИҲОЯТ!

## МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



2023 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари қиймати бир ойда киши бошига 568 минг сўми ташкил этиши ҳақида Статистика агентлиги хабар қилди. Бу 18 ой аввал белгиланган кўрсаткичдан 14 фоизга юқори.

Ушбу кўрсаткич пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдори, шунингдек, кам-

бағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмаклар суммасини белгилашда мезон сифатида ишлатилади.

Кўрсаткич «2023 йил учун Статистика дастури»да белгиланган муддатда ҳисобланган. Охириги марта минимал истеъмол харажатлари миқдори 2022 йил бошида аниқланган ва бир киши учун

минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори 13,2 фоизга ошиб, 498 минг сўми ташкил этган. 2021 йил май ойида эса, яъни биринчи марта минимал истеъмол харажатлари ҳисобланган ва 440 минг сўм этиб белгиланган.

Жаҳон таърибасида минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига муҳтож аҳолининг мақсади (таргет) гуруҳини аниқлаш;
- мамлакатнинг камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;
- камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган зифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;

• пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмакларни кўрсатишда мезон сифатида фойдаланилади.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Статистика агентлиги 2023 йил учун минимал истеъмол харажатлари июль ойида эълон қилинишини маълум қилган. Расмийларга кўра, бу йил аввалги йилдагидан фарқли равишда кўпроқ товар ва хизматлар турлари бўйича қўзғатувлар ўтказилган. Кўрсаткич қайта ишлаш жараёни кўпроқ вақт олгани учун уни йил яряида эълон қилиш белгиланган.

**Ўз мухбиримиз.**



## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Халқ депутатлари 4-сонли "Тошкент" сайлов округи депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Эсенгелдиев Махмуд Ниетбаевич Шоманай туман Кенгашида Ўз сайловчилари билан учрашиб, 2023 йилнинг олти ойида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Учрашув давомида депутат Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорларининг мазмун-моҳияти билан сайловчиларни таништирди.

Учрашув сўнггида сайловчилар томонидан йўланган аксарият мурожаатларни тегишли органларга депутатлик сўровлари юбориш орқали халқ қилиниши белгиланди. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

## ХОТИН ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА



Ўзбекистон ХДП Мирзачўл туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзоси Барфи Аманова "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида "Дўстлик" маҳалласидаги хонадонларда бўлиб, аҳоли ва хотин-қизлар муаммоларини ўрганди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, жойларда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ноғиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган аёлларни аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ўрганиш натижасига кўра, фуқаролар — Хасанов, Раҳманов, Эшимов ҳамда Бобоевларнинг оилалари билан яқиндан танишиб, гулчилик, тикувчилик билан шуғулланаётганларга, субсидия олмақчи бўлганларга, соғлиги бўйича муаммолари эшитилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСИ" НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон ХДП Боёвут туман кенгаши депутати, Боёвут тумани «Навбахор» МФЙ раиси Жумабой Раҳмонкулов "Йилнинг энг намунали маҳалла раиси" номинацияси ғолиби бўлди.

– Жумабой Раҳмонкулов нафақада бўлсада, бир кун ҳам уйда ўтирмайди. Маҳалланинг муаммоларига ечим излайди. Ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонни беш қўлидай билади. Кенг феъл, ўта мулоҳазали, хушчақчақ одам, – дейди уни таниган инсонлар. Маҳалла раислигига бўлиб ўтган сайловда 95 фоиз овоз олиб, йиғинга раис бўлиб сайланган. "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини Боёвут туманидаги илғор маҳаллалардан бири саналади.

Узоқ йиллардан буён одамларни тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келар эди. Депутат ташаббуси билан маҳаллада 5 та артезиан қудуғи қазилди ва 14 та кўчага қувур тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилди. "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида иштирок этиб, 1 млрд. 250 млн. сўм ютиб олинди. Натижада 1,9 км. масофадаги йўлга асфальт ётқизилди. 300 та оилага деҳқончилик қилиш учун ер ажратилди.

## ЁШЛАР УЧУН НАВБАТДАГИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Жори йил 13 июль куни Истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан "Биргаликда ижтимоий давлат сари" мавзусида маъруза ташкил этилди.

Маърузани Истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси раиси, академик Салимов Оқил Умурзоқович очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Абдураҳмонов Иброҳим Юлчиевич, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси Ҳасанова Мавжуда Ғаниевна ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори Жўраев Нарзулла Қосимовичлар мавзу юзасидан маърузалар қилишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси меҳнат фахрийси

## Дўпол НОСИРОВНИНГ


вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



## O'ZBEKISTON XDP KENGASHLARI QOSHIDA TASHKIL QILINGAN JAMOATCHILIK QABULXONALARIGA KELGAN MUROJAATLAR SOHA VA YO'NALISHLAR KESIMIDAGI MA'LUMOT

Jamoatchilik qabulxonalariga joriy yilning 6 oyi davomida

- 7 481 ta murojaat qabul qilindi
- 6 554 ta murojaat ijobiy hal etildi
- 927 ta murojaat deputatlar tomonidan nazoratga olindi



2 177 ta  
murojaat moddiy yordam masalasida

1 269 ta  
murojaat kommunal xizmatlar ko'satish masalasida

1 171 ta  
murojaat ijtimoiy masalalar va sog'liqni saqlash masalasida

860 ta  
murojaat ish bilan ta'minlash masalasida

361 ta  
murojaat uy-joy va yer olishda

360 ta  
murojaat bankdan kredit olishda

197 ta  
murojaat ish xaqi va nafaqalar bilan o'z vaqtida ta'minlanmayotganlik

1 086 ta  
murojaat boshqa masalalar bo'yicha kelib tushgan

## MULOHAZA

+31 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм

+33 Бухоро Навоий

+33 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё

+35 Қашқадарё Сурхондарё

+35 Андижон Наманган Фарғона

+36 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ НОШИРЛАРГА БОҒЛИҚМИ?

БУГУНГИ МАВЗУ ҲАҚИДА КЎП ВА ХЎП ГАПИРИЛГАН. АФСУСКИ, ЯНА ГАПИРИШГА МАЖБУРМИЗ. ЯХШИМИ, ЁМОНМИ – МАЙДОНДА ЎЗГАРИШЛАР БОР.

“ЯҚИН ОРАДА БУ МАЙДОНДА КУЧЛИ ТЎЛҚИННИ КЎРМАДИМ”, ДЕГУВЧИЛАРНИНГ ХИТОБЛАРИ ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНИБ ТУРАДИ. НЕГА АДАБИЁТ МАЙДОНИ ТИНИМСИЗ МАВЖЛАНМАЯПТИ? НЕГА ШОВҚИНЛИ ТЎЛҚИНЛАР КАМ КУЗАТИЛЯПТИ? ЁКИ БЎЛАЯПТИ, БИЗ БЕФАРҚМИЗМИ?.. НЕГА АДИБЛАР ХАЛҚ НАЗАРИДАГИ ШОУЧИЛАР КАБИ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА ЭМАС? НЕГА КИТОБ, ФИКР ҚАДРЛИ ЭМАС?..

ТОКИ ЁШЛАР АДИБЛАРНИНГ БИР УМР ДИПЛОМАТ ПАПКА КЎТАРИБ, БИРИ ИККИ БЎЛМАГАН ИЖОДКОРЛАРНИ КЎРИБ КАТТА БЎЛАР ЭКАН, ҲЕЧ ҚАЧОН ИЖОДГА ҚИЗИҚМАЙДИ, ИЖОДКОРГА ҲАМ ХАВАС ҚИЛМАЙДИ. ЁЗУВЧИ, ШОИР, ТАРЖИМОН, НОШИР... УЛАРНИ ДАВРАНИНГ ТЎРИГА ЎТКАЗМАЙДИ.

БУГУНГИ ЁШЛАР ИЖОБИЙ МАЪНОДА ЖУДА ШАҒҚАТ-СИЗ. УЛАР КАСБ ЎЗ ЭГАСИНИНГ ОДДИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҲАМ ҚОНДИРА ОЛМАДИМИ, УНДА ЖАМИЯТГА ҲАМ КЕРАГИ ЙЎҚ, ДЕГАН ФИКРЛАРНИ АЙТИШАДИ. СОҲАНИНГ РИВОЖИ АДИБЛАР, ШОИРУ ТАРЖИМОНЛАРГАГИНА БОҒЛИҚ ЭМАС. БУ ХАЛҚАНИНГ ЭНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ НОШИРДИР.

лар ҳам бадиий адабиётга қизиқиш бўйича биздан минглаб чақирим олдирди.

Тажрибали, савияли, адабиётнинг ичида юрган ноширлар нималардир қилишга, баландроқ асарларни ўзбек аудиториясига олиб киришга, муҳитни янгилашга ҳаракат қилишяпти.

Ҳамма ноширнинг ҳам танлови ҳозирги замон талабига жавоб бера олмайди. Буни бозорда пайдо бўлаётган асарларнинг савиясига қараб баҳолаш мумкин. Афсуски, ноширларнинг танловини таҳлил қиладиган институт йўқ.

Дейлик, ношир илмий фантастик, триллер, детектив ёки “эксн” жанрида ижод қилувчи америкалик ёзувчи Стивен Кингнинг янги асарини ўзбек оmmasига тақдим қилди. Уни ўқувчи тушуниб ўқийдими, умуман ўқийдими, асарга талаб бўладими, бу бўйича тахминий таассурот ҳам йўқ.

Таваккал қилиб чиқарган 5000 та адабнинг 1000 таси сотилиши мумкин, у ҳам кучли маркетинг ортидан. Шунинг учун ҳам айрим ноширлар бозорда яшаб қолиш учун турк адабиётини нашр қилишга мажбур бўлаяпти, чунки турк адабиёти ҳозир урфга кирди, десак нотўғри бўлмайди.

Ўзбек китобхонлари қандай асарлар ўқияпти, ойига қанча бадиий адабиёт сотиб олинапти, неча ёшдагилар кўпроқ китоб дўконларига қиряпти, ёшлар нима мутлола қиляпти – булар бўйича бизда статистика, тадқиқотлар йўқ.

## АДАБИЁТ МУСТАҚИЛ БЎЛМАС ЭКАН, РИВОЖЛАНИШ ОҚСАЙВЕРАДИ

Рақамлар бўйича, бугун Ўзбекистонда 384 та давлат ва хусусий нашриёти бор бўлса, соҳага фойдаси тегаётган, жамият савияси учун нимадир қилишга уринаётган, янги маҳсулотлар тақдим қилиб, сифат учун қайғураётган ноширлар 30 тадан ошмайди.

Улар ҳам асосан катталар учун мўлжалланган асарларни таржима қилиш билан машғул. Ваҳоланки, бизда болалар адабиёти танқислиги ҳам мавжуд, зеро у доим бўлган. Бугун ноширга жаҳон адабиётидан болалар учун бирор асарни таржима қилиш қимматга тушади. Шунинг учун ҳам айнан болалар адабиёти бўйича таржималар маълум бир доира атрофида ўралашиб қолгандек.

Ваҳоланки, дунёда миллионлаб асарлар чоп этилади. Чунки, шунга ихтисослашган нашриётлар жуда кўп. Ўзбекистонда эса болалар адабиётига ихтисослашган бир дона ҳам нашриёт йўқ. Яна халқаро тажрибага қараймиз, ноширнинг ривожланишидан давлат ҳам манфаатдор. Бадиий адабиётни кўпайтириш, муаллифларнинг моддий рағбати кўплаб ҳукуматлар учун муҳим. Қолаверса, адабиёт бугун эркин тарзда қана ривожланиб кетган. Адабий агентлар жуда кўп. Адабиёт эркин, мустақил бўлмас, ноширлик, бир сўз билан айтганда, ўзини эпловмас экан, ривожланиш учун ташланаётган қадамлар самарасиз бўлиши қийиндек туюлаверади.

## КИТОБЛАРНИНГ УМРИ НОШИРНИНГ ТАНЛОВИГА БОҒЛИҚ

Тан олиш керак, узоқ яшайдиган туйғулар, узоқ яшайдиган таассуротлар, сизни бахтли қила оладиган гўзал хотиралар, ажойиб саёҳатлар... булар фақат яхши асарларнинг ичига яширинган бўлади.

Реал ҳаётда бу туйғуларнинг умри қисқа. Мутлоладан сўнг ана шу онларнинг хотираси билан ҳам бахтни ҳис қилиш мумкин. Агар китобларнинг ўзи узоқ яшаса. Яъни, юқорида айтганимиз, сифат даражаси. Агар улар сифатсиз чоп этилган бўлса, жавонимизда узоқ яшолмайди. Уни истаганимизда олиб ўқишимиз учун, вақти вақти билан варақлашимиз учун муқовалари мустаҳкам, елими, қоғози сифатли бўлиши шарт.

Китобларнинг умри ноширнинг танлови ҳам боғлиқ. Унинг чўнтагидаги маблағи китобнинг сифатини белгилайдиган асосий омил. Сифатсиз нашрлар узоққа бормаслигини ҳисобга олсак, аввал ўқиган китобларимизнинг айримларини бугун қайтиб қўлимизга ололмаймиз.

Кейинги сонларда мавзунинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

**Нигора ҲАСАНОВА,**  
адабий шарҳловчи.



## ПАРА ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ 17 ТА МЕДАЛЬ БИЛАН ЯКУНЛАДИ

**Франция пойтахтида пара енгил атлетика бўйича мурасасиз беллашуларга бой бўлган жаҳон чемпионати қутилган ва қутилмаган натижалари билан ўз поёнига етди.**

Мамлакатимиз спортчилари дунёнинг энг кучли пара енгил атлетикачилари билан кечган баҳсларда матонат ва иродаларини намойиш этди.

Ўзбекистон пара енгил атлетикачилари 6 та олтин, 7 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоада 8-ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг сўнгги кунда аёллар ўртасида F54 классда найза улоқтириш баҳсида терма жамоамиз аъзоси Нурхон Курбонова 20 метр 15 сантиметр натижа билан олтин медалга эга чиқди.

Чемпионат баҳслари ортада қолди. Умумжамоа ҳисобида 16 та олтин, 16 та кумуш, 13 та бронза медалига эга чиққан Хитой терма жамоаси 1-ўринни, 14 та олтин, 13 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритган Бразилия жамоаси 2-ўринни эгаллади. 10 та олтин, 14 та кумуш, 15 та бронза медалига эришган АҚШ вакиллари кучли учликка яқун ясади.

Тўққиз кунлик мусобақалар давомида 35 та жаҳон рекордлари янгиланди. "Париж-2024" Олимпиадаси йўланмалари ўйналган мусобақаларда иштирок этган 61 та давлат спортчилари у ёки бу даражадаги совринли ўринларни эгаллади. 50 дан зиёд мамлакатнинг пара енгил атлетикачиларига эса бирон бир соврин насиб этмади.

Жаҳон чемпионати баҳслари сарҳисобига кўра, эркеклар ўртасида 275 та, аёллар ўртасида 225 та совринли ўринлар ўз эгалларини топди.

Пара енгил атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати келаси йилнинг 17-25 май кунлари Япония давлатида бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, Париж спорт майдонларида ватанимиз спорт шарафини улуғлаган матонатли спортчиларимиз бугун тунда юртимизга қайтиб келишади.

**Т.РЎЗИЕВ,**  
ЎЗА.

## ШАҲРИМИЗДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ СЕНИ ҚАНЧАЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг йилдан-йилга инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яхшиланиб бораётгани намён бўлмоқда. Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотиغا кўра, шаҳримизда 2023 йил январь – июнь ойларида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 8285 тани ташкил қилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2023 йил 1 июль ҳолатига 84,6 мингтани ташкил этмоқда. Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми: савдо – 35,6 фоиз, саноат – 13,5 фоиз, қурилиш – 8,1 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 6,1 фоизни ташкил қилмоқда.

**Тошкент шаҳар статистика бошқармаси**



## НОШИР МИЛЛИОНЕР БЎЛСА, МИЛЛАТ РИВОЖЛАНАДИ

Таниқли ноширнинг шу фикрини эшитиб ўйланиб қолдим. Худди биладигандек, муҳим гап эмасдек муносабатда бўламиз. Ноширлар бой бўлган жамиятда ўқийдиганлар, фикрлайдиганлар кўп бўлади. Аслида ҳам шундай, ношир бойлиги миллатнинг ютуғи. Кийим кечак, озиқ-овқат ёки бошқа буюмлар эмас, айнан зиё улашиб бой бўляпти. Демак, китобга талаб бор, бу миллат китоб ўқияпти, дегани. Европада, умуман, жаҳонда гигант нашриётлар ўз фаолияти ортидан миллионлаб фойда кўраётган бир вақтда ўзбек ноширлари бугун фойдага қира олдимми?..

Бу аччиқ ва оғир савол.

## ЎЗБЕКИСТОНДА НОШИРЛИК ҚАНЧАЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ БИЗНЕС?

– Исталган одамингиздан сўрасангиз, инсон, оила учун зарур асосий 25 талик


маҳсулот ва хизматлар рўйхатида китоб йўқ, – дейди “Академнашр” нашриёт уйи директори ўринбосари...

У ҳақ. Ҳақиқатдан ҳам, китоб йигирма бешинчи ўринда ҳам сотиб олинмаяпти. Қачонки, у муҳим ва зарур маҳсулотлар қаторида харид қилинар экан, шунда нашриётлар сони, сифати, фаоллиги, фойдаси ҳақида гапирсак арзийди. Унгача, улар маблағи ва шу маблағга яраша танлови ортидан нашр этилаётган китобларни ўқишга мажбурроқмиз.

– Аслида ноширлик у қадар фойдасиз бизнес эмас, – дейди мен билан сўхбатда ношир Дилшод Назаров. – Фақат танлов тўғри, сармоя етарли бўлиши керак. Сармоя... энг оғриқли мавзу.

**Статистикага кўра, Ўзбекистонда йилга 1 млн донага яқин бадиий адабиёт сотилади.**

Жаҳонда қандай? Масалан, Европа давлатларида бадиий адабиёт яхши кўриб мутлола қилинади, рақамлар ҳам шунга яраша катта. Ҳатто фантастика, детектив, “эксн” жанрларининг шайдоси бўлган америкалик-



**МУАССИС:**



## O'zbekiston ovozi

**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalander ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Shuhrat ISLOMOV  
Toshtemir XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV**

**MANZILIMIZ:** 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

**Telefonlar:** (71) 239-12-14

**Reklama b'limi:** (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 736. 16810 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:10

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.